

## **Юқори малакали футболчилар тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари**

**Ж.К.Комилов,И.М.Жалолов.** Гулистон  
давлат университети “Жисмоний маданият  
назарияси ва методикаси” кафедраси доц.в.б

**Ф. Ж. Каримов, ЎзДЖТИ магистранти**

Мамлакатимизда оммавий жисмоний тарбия ва профессионал спортни ривожлантириш-давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган. Юқори малакали спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031 сонли қарорида ҳам ўз аксини топган (1).

Бугунги қунда жамиятда ахборот технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Улардан барча жабҳада масалан, хужжатлар юритиш, маълумотлар базасини яратиш ва ҳоказоларда фойдаланилади. Кўпгина спорт турларида ахборот технологиялари юқори малакали спортчилар тайёрлаш жараёнига тадбиқ этилади. Спортда ахборот технологияларидан аксарият холларда спортчининг тайёргарлик даражасини оддий воситалар орқали баҳолаш имконияти бўлмаганида масалан, уларнинг ҳаракат техникасини биомеханик таҳлил қилиш, спорт кураши олиб боришда тактик схемаларни моделлаштиришда, спортчининг функционал ҳолатини баҳолашда, инсоннинг жисмоний юкламаларга мослашиш имкониятларини баҳолашда кўпроқ фойдаланилади (2,4).

Жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида ахборот технологиялари-маълумотларни йиғиши, сақлаш, қайта ишлаш, хулоса бериш ва фойдаланишни таъминловчи усул ҳамда дастурий-технологик воситалар

ийғиндисидан иборат бўлиб, ахборот ресурсларини амалга ошириш жараёнлари меҳнатини камайтиришни таъминлайди (3).

Бундай технологиялардан фойдаланиш спортчи тайёргарлигининг турли томонларини баҳолаш ва албатта, тайёргарлик жараёнининг маҳсус дастурини ишлаб чиқиш имконини беради.

Вақт талабидан кундан-кунга блокнотдаги чизмалардан ва доскадаги рангли магнитлардан аста-секин йироқлашаётган замонавий футбол ҳам четда қолмади. Рақамли технологиялар даврида тактик чизмалар қоғоз кўринишидан электрон кўринишга айланмоқда ва янгича сайқалга эга бўлиб, турли титулларга эга бўлишга ёрдам бермоқда.

Замонавий футболнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлашда жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этувчи профессионал футбол жамоалари анча қизиқиш уйғотади. Фақатгина жаҳоннинг энг кучли жамоалари ва футболчиларининг мусобақа фаолияти таҳлили футболнинг ривожланишидаги асосий йўналишларни аниқлаб бериши таҳмин қилинмоқда.

Масалан, 2014 йил Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати якунларига бағишлиланган аналитик материаллар энг кучли терма жамоаларнинг ўйин тажрибасини умумлаштириш, футболчиларнинг жисмоний қўрсаткичларини, техник маҳоратларини баҳолаш ва ўйинни ташкил қилиш бўйича замонавий тактик вариантлари тўғрисида хulosा қилиш имконини берди. Ушбу турнир якунлари мураббийларнинг турли хил халқаро форумларида кенг муҳокама қилинди.

Бироқ, бу мавзу қанчалик долзарб бўлмасин, футболчиларимизни тайёрлаш муаммоларига бағишлиланган адабиётлар таҳлили мутахассислар томонидан замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш салмоғи талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Профессионал футбол жамоаларини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари маҳсус адабиётларда етарли даражада ёритилмаган ва амалиётда

ҳали ўзининг зарур ўрнига чиқиб бормаганлиги футбол жамоаларимизнинг халқаро ареналарда ёрқин натижалар кўрсатишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолатлар ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ишнинг мақсади - юқори малакали футболчиларнинг тайёргарлик жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун мамлакат чемпионатида иштирок этаётган жамолар мураббийлари ва футбол мутахассислари ўзларининг профессионал жамоларида ахборот технологияларидан фойдаланишга оид саволларга жавоб бериши кўзда тутилган анкета сўровномаси ишлаб чиқилди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, биринчи ва олий лигада иштирок этувчи 16 та жамоада мусобақа фаолиятини таҳлил қилишда турли аналитик фирмалар томонидан тавсия этилаётган статистик таҳлил дастурлари маълумотларидан фойдаланишади. Фақатгина “Пахтакор” ва “Локомотив” жамоалари ўтган ўйин таҳлили учун Россиянинг “Instat” фирмасининг статистик маълумотларидан фойдаланишса, қолган жамоалар эса Тошкентдаги “Futbol Pro” фирмасининг аналитик маълумотларига таянишади. Ушбу фирмаларнинг хизматлар пакети ва статистик кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қиласи. Профессионал футбол жамоаларимиз машғулотлар жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишда факат шу билан чегараланади.

Бугунги кунда олий лигада иштирок этаётган жамоаларнинг бош мураббийлари уларга ўз жамоасининг статистик маълумотларини тайёрлашда ва қўйидаги саволларга жавоб топишда сезиларли ёрдам берувчи анализ мураббийларга эҳтиёж катта:

- аниқ вақт ичидаги машғулот юкламаларининг ҳажми ва йўналиши бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- ўзининг ва рақиб жамоа футболчисининг ўйин фаолиятига оид маълумотлар базасини яратиш;
- янги ўйинчилар, иқтидорларни излаб топиш (техник скаутинг);

- ўйиндан ёки машғулот юкламасидан сўнг футболчилар организмини тикланишини тезлаштириш ва х.к.

Адабиётлар ва жаҳон чемпионатлари якунлари таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳориж клублари мураббийлар ҳамда персоналга ўйинчининг тезлиги, босиб ўтган масофаси ва умумий юклама ҳақида маълумот берувчи, юқори аниқликда ишлайдиган илғор GPS трикерлардан фойдаланишади. Юқори аниқликка ва такомиллашган тизимга эга датчиклар GPS ва «Глонасс» йўлдошларининг сигналларини сониясига ўн герц частотада илғаб олади ва ўлчовлар аниқлигини икки баробар оширишга муваффақ бўлади. Олинган маълумотлар асосида мураббийлар штаби конкрет вазифалардан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир футболчи учун индивидуал дастурлар ишлаб чиқади. Бундан ташқари датчиклар мураббийга спортчи бажараётган иш ҳажми ва машғулотнинг қайси қисмида ўйинчилар максимал кучланишда ишлашгани ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Футболчилар учун индивидуал машғулот дастурларини режалаштириш мураббийга ўйинчиларнинг бир хил даражада юқори маҳсус жисмоний тайёргарлигига эришиш билан бирга мусобака вақтида агрессив ҳужумкор ўйин тактикасидан фойдаланишга имкон яратади.

“PlayerLoad” (ўйинчига юкламанинг таъсири) кўрсаткичи ўйинчининг жароҳатдан сўнг тикланиш жараёнида жуда қўл келади.

Кўпгина мураббийлар бундай тизимлар борлигини ҳатто билишмайди. Мураббийлар тайёрлаш курсларидағи машғулотлар жараёнида инструкторлар ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Масалан, Мюнхенning “Бавария” клубининг ҳар бир машғулоти 4 та видеокамера ёрдамида ёзиб олинади. Машғулот давомидаги таҳминан 1200 та кўрсаткич таҳлил қилинади. Бош мураббийга бутун машғулот давомида ҳар бир футболчи томонидан бажарилган техник приёмлар таҳлили (ҳажми, аниқлиги, футболчи қандай тезликда ҳаракатланди ва х.к) тақдим этилади. Бундай маълумотларга эга мураббий машғулот жараёнини бошқариш бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади. Ушбу кўрсаткичлар ва

футболчиларимизнинг халқаро турнирлардаги натижалари мутахассислар ва мураббийлар фикрича, юқори малакали футболчилар тайёрлаш жараёнида хориж клубларидан ортда қолаётганимизни кўрсатиш билан бирга, машғулотлар жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги кунда футболимиз олдидағи долзарб вазифалардан бири эканлигини асослаб беради.

Спортда янги машғулот технологиялари – бу спортчилар тайёрлаш жараёнини қатъий тарзда инсон танаси тузилиши тўғрисидаги янги илмий билимларга мос тарзда ташкил этувчи аниқ назарий ишланмалар ва амалий ҳаракатлар тизимиdir. Бу тизимдан самарали фойдаланиш - футболчиларимизнинг халқаро ареналарда юқори натижалар кўрсатиши кафолатидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031 сонли қарори. Т-2017
2. Использование современных информационных технологий в теоретической и методико-практической подготовке студентов по физическому воспитанию / В. М. Богданов, В. С. Пономарев, А. В. Соловов // Материалы всерос. науч.-практ. конф. - СПб., 2000.
3. Жуков, Р. С. Новые информационные технологии в научно-методической деятельности специалистов физической культуры и спорта: состояние и перспективы / Р. С. Жуков // Вестник Кемеровского государственного университета. - 2009. - № 4. - С. 76-80.
4. Тимошенков, В.В. Основные направления применения вычислительной техники в физической культуре и спорте / В. В. Тимошенков // Теория и практика физической культуры. 1993, №1.

#### Таянч сўзлар:

Ахборот технологиялари, машғулот жараёни, юқори малакали футболчилар тайёрлаш тизими, индивидуал машғулот дастурлари.

#### Аннотация

В работе представлен анализ информационных технологий, используемый в зарубежных профессиональных футбольных клубах. Сделан анализ применения современных технологий в футбольных командах

Узбекистана. Сделаны предложения по изменению системы подготовки тренерских кадров с использованием новейших технологий.

### Аннотация

Ишда ҳориж профессионал футбол клубларида фойдаланиладиган ахборот технологиялари таҳлили келтирилган. Мамлакат футбол жамоаларида замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаситаҳлил қилинган. Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

### Annotation

In this article is lightened analysis of information technology in foreign professional clubs. It is analyzed usage of modern technology in football teams of Uzbekistan. There made offers at accomplishment of system preparing trainers using new technologies.